O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

АДОЛАТ ҲАҚИДА ЖУДА ЧИРОЙЛИ ГАПИРИШ МУМКИН. АДОЛАТ ҲАҚИДА ЖУДА УЗОҚ ГАПИРИШ МУМКИН. АММО ГАП ЧИРОЙЛИ ВА УЗОҚ ГАПИРИШДА ЭМАС, БАЛКИ ҲАЁТДА АДОЛАТНИ ЎРНАТА ОЛИШДА.

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ ШАНБА № 86 (26.636)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

28 июль куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг вакиллари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари қатнашди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва салоҳиятига юксак баҳо берди. Республикамизнинг асосий нефть ва газ заҳиралари Қашқадарё ҳудудида жойлашган. Вилоят республикамизда қазиб олинадиган газнинг 88 фоизини, нефтнинг 92 фоизини етказиб беради. Дон ва пахта етиштиришда ҳам олдинги ўринлардан бирида туради.

Аммо кейинги йилларда вилоят халқ хўжалигининг барча соҳаларида қолоқлик, орқага кетиш ҳолатлари кўзга ташланяпти, деди Президент. Иқтисодий ислоҳотлар суст бормоқда. Бу йил ғалла тайёрлаш 59 фоизда қолиб кетди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, фермерлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмаяпти. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ишни тўғри ташкил эта билмаслик оқибатида аҳолининг турмуш шароити яхши томонга ўзгармаяпти. Деҳқонлари бой юртгина обод бўлишини асло ёддан чиқармаслик лозим. Шундай катта имкониятларга эга вилоятда 27 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви, 42 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланмаганини қандай изоҳлаш мумкин. Бутун мамлакатни газ билан таъминлайдиган воҳа газлаштириш бўйича вилоятлар ўртасида охирги ўринлардан бирида турибди.

Воҳада юз берган қолоқлик, ночор аҳволда, албатта, вилоят раҳбарларининг ишни тўғри ташкил этолмагани, кучи, қобилияти, савияси етмагани асосий сабабдир.

Сессияда ташкилий масала кўриляди. Ш. Бегматов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири лавозимида ишлаб келаётган Б. Ҳамидовни Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда сўзга чиққан Қарши давлат университетининг ректори, Олий Мажлис депутати Н. Ҳакимов, Халқ демократик партияси вилоят Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов, Қамаши тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Д. Холбоева, Китоб туманидаги «Китоб» агрофирмаси раҳбари З. Бурхонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов ва бошқалар Юртбошимиз нутқида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

■ **Мусулмон НАМОЗОВ,**
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясини 2000 йил 30 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур масалани муҳокама этиш чоғида Олий Мажлис Раиси Кенгаш аъзоларининг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда кўрсатиб ўтилган янги йўналишлар муносабати билан қонун чиқарувчилар олдида турган вазифаларга алоҳида қаратди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, иқтисодий, ижтимоий ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган дастурини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқий кафолатлар ва омилларнинг ишончли тизимини барпо этишга боғлиқдир. Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссияларига қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва назорат-таҳлил ишига давлатимиз бошлиғининг айтганларини инобатга олган ҳолда тегишли тузатиш ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилди. Айни вақтда Олий Мажлис депутатларига Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасида баён этилган қоидаларни сайловчилар билан учрашувларда кенг кўламда тушунтириб бориш, жамият олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳар тарафлама кўмаклашиш тавсия қилинди.

Олий Мажлиснинг учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун парламент Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова раҳбарлигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 июль.

***

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ КИРИТИШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА:

1. **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси** тўғрисида.
2. **«Бюджет тизими тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
3. **«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
4. **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»** Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. **«Судлар тўғрисида»**ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
6. **«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. **«Почта алоқаси тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
8. **«Радиация хавфсизлиги тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
9. **«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Бугун сиз, азизлар билан учрашиб турганимиздан фойдаланиб, сизларга, сиз орқали Қашқадарё воҳасига ва шу заминда яшайдиган барча инсонларга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Қашқадарёни таъриф ва тавсиф этганда, унинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида, бутун мамлакатимизни бу табиий заҳиралардан олинадиган маҳсулотлар билан таъминлашдаги ўрни ҳақида, пахта, ғалла етиштириш бўйича етакчи ўринда туриши, бу воҳанинг бетакрор табиати тўғрисида кўп сўз юритишимиз мумкин. Ва буларнинг ҳаммаси ўринли, ҳаммаси асосли бўлади.

Қашқадарё ҳақида гапирганда мен аввало бу саховатли заминдаги бағрикенг, юраги тоза, ҳаёт синовларида чиниққан, чўл шамолларида қорайган, қўли қадоқ деҳқонларни, конларда тер тўкиб ишлаётган одамларни кўз олдимга келтириб, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари учун уларга доимо таъзим қиламан.

Китоб тоғлари ва Яккабоғнинг сўлим боғларини, Деҳқонобод яйловларию Косон ва Нишоннинг даладаштларини, Муборакнинг текисликларини кезган, Шаҳрисабз обидаларини томоша қилган одам бу ўлкага беихтиёр мафтун бўлиб қолади.

Шу билан бирга, Қашқадарёнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида ўзига хос алоҳида ўрни бор.

Бугунги кунда республикамиз бўйича қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефть кони ва бошқа иншоотлар мамлакатимизнинг асосий ёнилғи-энергетика базасини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда барпо этилаётган Шўртан газ-кимё мажмуи эса мамлакатимиз халқ хўжалигида, умуман, иқтисодий салоҳиятимизнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Бу корхона ишга туширилгач, йилига 125 минг тонна полиэтилен хомашёси, 103 минг тонна газ конденсати, 142 минг тонна суюлтирилган газ маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлайди.

Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилиб, 650 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланади. Бу улкан саноат корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлагач, нафақат полиэтилен хомашёси ва плёнка, айни вақтда экспортбоп ва рақобатбардош ўй-рўзғор буюмлари, газ ва сув қувурлари, техник ускуналар каби халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни ҳам ўзимизда тайёрлаш имкониятига эга бўламиз.

Яна бир муҳим жиҳати, мажмуанинг биринчи навбати фойдаланишга топширилгач, икки мингга яқин янги иш ўрни очилади.

Деҳқонобод тумани ҳудудида жойлашган туз кони ёнида қуриладиган, йилига 500 минг тонна калийли ўғит ва 500 минг тонна ош тузи ишлаб чиқариш қувватига эга завод ҳам вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда салмоқли омил бўлади.

Шу ўринда вилоятнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида тутган ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Қашқадарёлик заҳматкаш деҳқон ва чорвадорлар етиштириб келаётган пахта ва дон, мева ва узум, сабзавот, полиз, гўшт ва сут маҳсулотлари халқимиз дастурхонини тўкин, турмушини фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Бу воҳанинг улкан сув иншоотлари, хусусан, дунёда ягона бўлган 6 та насос станцияси секундига 240 куб метр Амударё сувини 132 метр баландликка — Толлимаржон сув омборига кўтариб бериб, охирги йилларда 200 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини бергани ҳам бу ерда ҳақиқий миришкор, изланувчан одамлар меҳнат қилаётганидан далолатдир.

Азиз юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан бирга, бой тарихий анъаналарга ҳам эга. Воҳада кўп асрлик тажрибаси бўлган ўзига хос деҳқончилик ва чорвачилик мактаби мавжуд. Бу ерда қадимдан

(Давоми 2-бетда)

ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИСИДА ВИКТОРИНА

Буюк Британияда «Интернет» тармоғи орқали «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» мавзусида ўтказилган викторина британияликларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганлигининг яна бир ёрқин исботи бўлди. У Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси томонидан ҳамда ушбу мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Asia Travel international» ва «Ўзбекинвест» компаниялари ҳомийлигида илк бор ташкил қилинди.

Викторина шартига кўра, иштирокчилар ўзбек халқининг тарихи, маданий мероси, миллий урф-одатлари ва анъаналари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг муҳим саналари тўғрисидаги саволларга жавоб бериши керак эди. Британияликлар ушбу викторинага катта қизиқиш билан қарадилар ва унда мамлакатнинг турли бурчакларидан деярли 600 киши иштирок этди. Ўзбекистонга бепул боришдек — биринчи бахтли ютуқ ғолибаси Брайтонлик инглиз тили ўқитувчиси Сью Камиллер бўлди.

— Мени азал-азалдан бутун дунёга машҳур бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби шаҳарларингиз ўзига жалб қилиб келган, — дейди викторина ғолибаси.

Иккинчи ва учинчи ютуқлар ғолиблари дарвенлик Саймон Ли ва шефиллик Хелен Ричардсон бўлдилар. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

■ **«Жаҳон» АА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б.С.ҲАМИДОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Бахтиёр Султонович Ҳамидов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б.С.ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бахтиёр Султонович Ҳамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш.Р.БЕГМАТОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Шуҳрат Раҳимович Бегматов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 июль

ЯНГИЧА ИШЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

ХДП ҲАЁТИДАН

28 июль куни Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ХДП Марказий Кенгаши ва вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзолари, мазкур вилоятдаги шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари, ҳамда масъул ходимлари, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутатлар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов партия ташкилотларининг ҳозирги босқичдаги фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Марказий Кенгаш партиянинг барча даражалардаги тузилма ва муассасалари, ҳар бир аъзосини сайловлардан кейин мамлакатда қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятда янгича яшаш ва ишлашга даъват этаётганини таъкидлади.

Вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов, Марказий Кенгаш масъул ходими М. Ельшов, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Н. Шакаров, Қуйи Чирчиқ тумани партия кенгаши иккинчи котиби Ш. Ҳамдамов, Тошкент туманидаги А. Навоий номли ширкат ҳудудий партия ташкилоти котиби Ҳ. Мадиёров, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Ш. Йўлдошев ва бошқалар ўз сўзларида Марказий Кенгаш томонидан қўйилган масалаларнинг долзарблиги ва уларнинг ҳал этилиши партия, унинг ташкилотлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқдириб ўтдилар. Муҳокамалар давомида, партия ташкилотлари фаолиятини замон талабларига яраша такомиллаштиришга қаратилган, таклифлар киритилди, фикр мулоҳазалар билдирилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

кулолчилик, ҳунармандчилик, темирга ишлов бериш сингари саноатнинг дастлабки кўринишлари вужудга келган.

Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарларда бунёд этилган мадраса, работ, масжид ва карвонсаройлар, тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Шаҳрисабздаги Оқсарой каби кўплаб меъморчилик обидалари олис аждодларимизнинг бетакрор турмуш маданиятидан, бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Бу юрт айни пайтда башариятнинг маънавий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина Насаф шаҳридан чиқиб «Насафий» тахаллуси билан шуҳрат қозонган ўндан ортиқ олимларнинг номи ҳаммамизга яхши маълум. Ислом оламини ўзининг бебаҳо илмий мероси билан бойитган ва юртимизнинг шон-шуҳратини жаҳонга таратган кўплаб азиз-авлиёлар, олиму уламолар фақат қашқадарёликларнинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг фахри ва ғуруридир.

Буюк саркарда ва давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳам шу заминда вояга етгани воҳада яшаётган ҳар бир инсон қалбини ифтихор туйғусига тўлдиради. Бизнинг қандай улуғ инсонларнинг авлоди ва вориси эканлигимизни эслатиб, доимо эзгу ва юксак мақсадлар сари руҳлантириб туради.

Мен Қашқадарё аҳлини ўз ота-боболаридан ватанпарварлик ва фидойилик, бунёдкорликни мерос қилиб олган ва шундай фазилатларга муносиб бўлишга, ўзининг ғайрат-шижоати, Ватанга, она заминга меҳр-муҳаббати билан мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлашга интилиб яшайдиган мард, ориятли инсонлар деб биламан ва қадрлайман.

Энди сизларга бир савол берсам: шундай беқиёс имкониятларга қарамасдан, нима учун Қашқадарё вилояти кейинги йилларда сурункасига деярли барча кўрсаткичлар бўйича ўз мавқеини йўқотиб боряпти? Нега ижтимоий-иқтисодий ривожланишда олға силжиш сезилмаяпти?

Келинглар, бир-биримизнинг кўзимизга тик қараб, мана шу масалалар ҳақида батафсил гаплашиб олайлик.

Менинг фикримча, бу ҳолнинг асосий сабаби шундаки, Қашқадарё вилоятида янгиликни жорий қилиш, ислоҳотлар орқали ҳаётни яхшилашга, фаолиятимизни янгитдан ташкил этишга, ишга муносабатни тубдан ўзгартириш, меҳнатни рағбатлантиришга етарлича аҳамият берилмаяпти.

Одамларни олдимизда турган қийинчиликларни енгиш йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга даъват этиш, уларнинг руҳини кўтариш, уларни бошқариш, тўғри йўл кўрсатиш, бир кунлик ўткинчи ташвишлар билан эмас, балки эртанги кунимизни, келажакни, фарзандларимизнинг истиқболини ўйлаб, янги-янги марраларга интилиб яшаш, бутун борлиғимизни ана шу мақсадларга эришиш учун сафарбар қилишда, афсуски, вилоятда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётганини, бу борада заиф бўлиб турганимизни айтиб ўтмоқчиман.

Табиий иқлим шароити қулай, ери ҳосилдор бўлишига қарамасдан, вилоятда охирги икки йилнинг ўзида кўзда тутилганидан 57 минг тонна пахта кам етиштирилиб, давлатга пахта сотиш режалари бажарилмади. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 14 та тумандан 9 таси, пахта етиштиришга ихтисослашган 176 та хўжаликдан 96 таси давлат буюртмасини бажара олмади.

Баҳористон, Ғузор, Нишон, Муборак туманларида ҳосилдорлик гектарига 15-17 центнерга тушиб қолди. Бу кўрсаткич 36 та хўжаликда 20 центнердан, 26 та хўжаликда 15 центнердан, 9 та хўжаликда эса 10 центнердан ошмаяпти.

Галлачиликдаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Бошоқли дон етиштириш режаси 1998 йилда 77 фоиз, ўтган йили 75 фоиз бажарилган бўлса, жорий йилда бундан ҳам паст даражада — 41 фоизда қолиб кетди. Давлатга дон сотиш режаси атиги 59 фоизни ташкил этди.

Албатта, биз бу йилнинг қишлоқ хўжалиги учун оғир келганини, қурғоқчилик ва сув танқислиги рўй берганини, Толлимаржон ва бошқа сув омборларида сув етишмаслиги туфайли кўп экинларнинг суғоришдан қолиб нобуд бўлганини, шу билан бирга, нафақат хўжаликлар, биринчи навбатда, шу ерда яшайдиган одамларнинг катта қийинчиликларга дучор бўлганини яхши тушунамиз.

Шунинг учун давлат ҳам, ҳукуматимиз ҳам қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда. Айтмоқчиманки, ҳеч ким бу офат қаршисида ёлғиз қолмайди.

Лекин табиатнинг шундай синовларига бардош бериб, қўшимча имкониятларни топиб, одамларни сафарбар этиш аввало шу ердаги раҳбарларнинг вазифаси ва бурчи эмасми?

Шуни афсус ва ташвиш билан қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин пасайиб бормоқда. Сабзавот ҳосилдорлиги ўтган йили 1998 йилга нисбатан 24 центнерга камайиб кетди, картошкадан гектарига 59 центнер, мева ва узумдан эса 23-31 центнер ҳосил олиняпти, холос.

Вилоятда вужудга келган аҳволни кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, сув таъминоти етарли бўлган 1998-99 йилларда ҳам кўзда тутилганидан анча кам ҳосил олингани, режалар барбод бўлгани, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг таҳлили бу иллатларнинг негизи бошқа жойда эканини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Айниқса, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, экиш муддатларини асоссиз равишда кечиктириб юбориш, катта-кичик раҳбарларнинг иш услуби ўзгармаётгани, уларнинг ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга, шу ердан ҳосил ундирадиган заҳматкаш деҳқон меҳнатига бефарқ муносабатда бўлаётгани, ислоҳотларнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслиги ҳам мана шундай ачинарли оқибатларга олиб келмоқда.

Вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг кўпчилиги фақат тилда «ислоҳотчи» бўлгани туфайли эски тизимдан қолган усулларга барҳам берилмаяпти, ишни ташкил этишнинг замонавий усуллари ҳанузгача жорий этилмаяпти.

Даромад ва харажатларни аниқ ҳисоблаш, бу ишларни тўғри йўлга қўйиш ночор аҳволда.

Мавжуд 147 та ширкат хўжалигидан ўтган йил натижалари бўйича фақат 3 тасида ҳиссадорларга дивиденд тўланганига нима дейиш мумкин?

Ўзингиз айтинг, ахир одамлар қилган меҳнатининг натижасини кўрмаса, янги мулк шаклларининг афзаллигини ҳис этмаса, бу ислоҳотларни обрўсизлантиришга олиб келмайдими? Вилоятда бу ҳақда бош қотирадиган, қайғурадиган одам борми?

Фермер хўжаликларининг аҳволи таҳлил этилганда ҳам жиддий нуқсонлар ташланади. Бугунги кунда вилоят бўйича 2890 та фермер хўжалиги рўйхатдан ўтган. Уларнинг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланади.

Бу йил фермер хўжаликларининг техника воситалари ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжи бор-йўғи 21-25 фоиз таъминланди. Уларга тижорат банклари томонидан талаб этилганига нисбатан 10 фоиз миқдорида кредит берилди, холос.

Энг ёмони, фермер хўжаликларига, тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳоллари ҳалигача давом этмоқда. Бундай хўжаликларни рўйхатга олиш, уларга ер ажратиш, кредит бериш борасида ноқонуний ҳаракатлар ҳали-ҳамон сақланиб қолмоқда.

Масалан, «Бобур» фермер хўжалигини рўйхатга олиш ва унга ер ажратиш тўғрисидаги фуқаро Ҳайдаровнинг мурожаати Китоб тумани ҳокимлиги томонидан асоссиз равишда рад қилинган. Фақат адлия идоралари аралашувидан кейингина ушбу масала ижобий ҳал этилган.

Тадбиркорлар З. Соатова, Т. Шарипов, Р. Қаюмовлар чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида ҳамма керакли ҳужжатларни тайёрлаб, «Пахтабанк» ва «Асакабанк»нинг вилоят бўлимларига микрокредит олиш учун апрель-май ойларида мурожаат қилишган. Афсуски, унча мураккаб бўлмаган шу масала ҳам ҳалигача ҳал этилмай келмоқда.

Фермерлар ҳаракатига тўғаноқ бўлаётган раҳбарларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида гап асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини юксалтириш хусусида боргани бежиз эмас. Бунинг маъно-мазмуни, авваламбор, деҳқоннинг косасини оқартириш, нонини бутун қилиш, меҳнатини рағбатлантиришдан иборатдир.

Бунга эришиш учун эса биз бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттиришимиз керак. Токи бу ислоҳотлар номига, хўжакўрсинга эмас, ҳисобот учун эмас, ҳақиқатда деҳқоннинг ҳаёти фаровон бўлишига хизмат қилсин.

Деҳқон ўз мулкининг эгаси бўлсин, деб кўп гапирамиз, катта-катта минбарлардан даъват этамиз.

Содда қилиб айтганда, бунинг маъноси шуки, эл-юртни, барчамизни боқадиган, кийинтирадиган деҳқон ўз меҳнатидан тўла манфаат кўрсин, унинг ҳаёти ёруғ бўлсин.

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятдаги саноат ва капитал қурилиш соҳасини таҳлил қилганда, жиддий камчиликлар кўзга ташланади.

Ўтган йили вилоятдаги 11 та корхона режадагига нисбатан 146 миллион сўмлик саноат маҳсулотини, 10 та корхона эса қарийб 60 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини кам ишлаб чиқарган эди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса 12 та корхона 640 миллион сўмлик саноат, 7 та корхона 152 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини кам ишлаб чиқарди.

Нафақат саноат, қурилиш соҳасидаги, балки савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги аҳволнинг таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, умуман вилоятда чет мамлакатлардан сармоя олиб келиш, сармоядорларни қизиқтириш ишлари талабга жавоб бермайди.

Хўш, хорижий сармоядорларни нима ҳисобидан қизиқтириш мумкин? Аввало, мана шу саховатли заминдаги бойлик, табиий ресурслар ҳисобидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни қайта ишлаш бўйича янги-янги корхоналар қуриш таклифлари билан қизиқтириш мумкин. Афсуски, бу борада мутлақо иш олиб борилмаяпти.

Шундай тасаввур туғиладики, Қашқадарёга, Қарши шаҳрига сармоядорлар гўёки йўлни билмайди. Чунки, маҳаллий раҳбарларда бу ўта муҳим масалага етарли эътибор йўқ.

Авваламбор, вилоят раҳбарлари, шу соҳага масъул бўлган мутасаддилар ҳамон эски замон қолиплари билан яшамоқда. Эртанги кун ҳақида қайғуриш, вилоятни ривожлантириш ҳақида бу одамларнинг ўзида тайёргарлик йўқ, энг ачинарлиси, улар бу ишга тайёр бўлган, шунга қўл ураман, деб интиладиган кишиларга йўл бермайди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 37 та қўшма корхона бор. Шундан 22 таси фаолият кўрсатяпти, 15 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб турибди.

Деҳқонобод, Ғузор, Касби, Нишон, Усмон Юсупов туманларида қўшма корхоналар умуман ташкил қилинмаган. Бу ҳақда қанча гапириш мумкин? Наҳотки, бундай корхоналар замон талаби, тараққиёт омили, одамларни иш билан банд этишнинг яна бир имконияти эканини бу туманларнинг раҳбарлари тушунмаса?

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги режаларнинг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда. Табиий газ ҳамда ичимлик сув тармоқларини ётқизиш ишлари бир қатор туманларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ваҳоланки, вилоят бўйича аҳолининг 27 фоизи тоза ичимлик суви билан, 42 фоизи табиий газ билан таъминланган эмас.

Жорий йилда ҳукумат қарори билан режалаштирилган 56 та қишлоқдан фақат 21 тасига табиий газ, 45 та қишлоқдан атиги 6 тасига ичимлик суви етказиб берилди.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш ва Соғлом авлод йили дастурлари асосида улкан ишлар амалга оширилаётганидан барчамиз хабардормиз. Лекин вилоятда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ҳам талаб даражасида эмас. Битта академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежи қурилиши сабабсиз равишда чўзиб юборилмоқда. Бу борада режалаштирилган қурилиш-монтаж ишлари 35 фоиз бажарилган, холос.

Шу билан бирга, ушбу иншоотлар қурилиши текширилганда ўтган йили 3,5 миллион сўм, жорий йилнинг олти ойида эса қарийб 1 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари қўшиб ёзилгани, бир ярим йил давомида 12,5 миллион сўмдан зиёд бюджет маблағлари мақсадсиз сарфлангани аниқланди.

Вилоятда қурилиш соҳасидаги ислоҳотларга ҳам етарлича аҳамият берилмаяпти. 226 та пудрат ташкилотларидан ярми ҳанузгача давлат тасарруфидан чиқарилган эмас. Вилоятда бугунги кунда бор-йўғи 8 та хусусий қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатиб, уларда атиги 109 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Табиийки, бу муҳим соҳага етарлича эътибор берилмагач, қурилиш сифати, ободончилик ишлари ҳам ўлдажўлда бўлади.

Қарши шаҳри ва туман марказларида олиб борилаётган аксарият ободончилик ишлари талабга жавоб бермайди. Масалан, вилоят марказидаги сайилгоҳ ва хиёбонни, вокзалолди майдонини, шунингдек, савдо ва маиший хизмат шохобчаларини қуришда табиий иқлим шароити, миллий меъморчилик анъаналари ҳисобга олинмаган.

Бизнинг айрим қурувчилойиҳачиларимизга теккан бир касаллик бор. У ҳам бўлса — бетонпарастлик касали. Керак-нокерак жойда ҳаммаёқни бетонга бостириб ташлайверишади. Барака топқурлар, ўзингиз ўйланг, ахир, ёзда иссиқ 40-45 даражадан ошиб кетадиган Қаршида бетонга шунчалик ружу қўйиш шартми? Қайси ақл билан шундай қилиш мумкин?

Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни, ижтимоий аҳамияти ҳақида, унинг аввало соғлом муҳит ва тарбия маскани бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Юртимизда маҳаллаларни обод қилиш, хусусан, ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий гузарлар барпо этиш яхши анъанага айланиб қолди. Афсуски, Қашқадарёда бу соҳада ҳам оқсоқлик бор. Вилоятдаги 361 та маҳалладан бор-йўғи 65 таси ўз гузарига эга. Бу ҳақда яна қанча гапириш мумкин, ахир?

Агар шундай бир савол қўйсак, унга жавоб топиш жуда қийин: нима учун вилоятда ободончилик ишларига эътибор кам? Нима учун шаҳар-қишлоқларда, туманларда, вилоят маркази — Қарши шаҳридаги ободончилик ишлари талабга жавоб бермайди?

Очиқ айтиш керак: кейинги йилларда бу масалага эътибор, астойдил ёндашув деярли сезилмаяпти. Бу юрт ўзимники, уни обод қилсам, ўзимга нафи тегади, болаларимга, набираларимга, зурёдларимга мерос бўлиб қолади, деган тушунчанинг ўзи йўқ. Уни шакллантириш, кенг тарғиб қилиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятда аҳолининг табиий ўсиш даражаси баландлигига қарамасдан, ҳанузгача одамларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашнинг аниқ режаси тузилмаган. Амалдаги бандлик дастури пухта ишлаб чиқилмаган.

Минг афсуски, ушбу муаммони ҳал этишнинг асосий омили бўлган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам етарли аҳамият берилмаяпти.

Мана бу рақамларга эътибор беринг. Вилоят бўйича рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг умумий сони 11 минг 126 тани ташкил этади. Ана шу корхоналардан 1900 таси сўнгги бир ярим йил ичида рўйхатга олинган. Айни пайтда 1713 таси ўз фаолиятини тўхтатган.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, «Бизнесфонд» вилоят бўлими, Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раҳбарларининг бу соҳани ривожлантириш бўйича аниқ режаси йўқлиги туфайли ишсизлик кескин муаммога айланиб бормоқда.

Мен бу ҳақда яқинда ярим йиллик якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида айтган фикримни яна такрорламоқчиман: аҳолини иш билан таъминлаш масаласи — биз учун энг долзарб, кўп-кўп муаммоларни ечадиган, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласидир.

Ишсизлик эса, ўзингизга маълум, жиноятчиликни, қонунбузарликни юзага келтирадиган асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Вилоятда 1999 йилда умумий жиноятлар миқдори 1998 йилга нисбатан 25 фоиз, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиш ҳоллари эса 30 фоиз ошган.

Кейинги йилларда қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, ўғрилик, талончилик ҳолатлари, вояга етмаган, муқаддам судланган шахслар, уюшган гуруҳлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг кўпайиб бораётгани айниқса ташвишланарлидир. Бунинг сабаби ҳам юқоридаги фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаб турибди.

Айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари жамоатчилик билан ҳамкорликда бу борада таъсирчан чоралар кўрмаяпти, янада аниқроқ айтсак, ўз вазифасини қониқарли бажара олмаяпти.

Шу ўринда вилоятда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг сусайиб кетганини, вилоят ва туман ҳокимларининг бу соҳага шахсан жавобгар эканини унутиб қўйганини ҳам афсус билан таъкидлаш жоиз.

Ўтган йилнинг декабрь ойида мана шу залда бўлган сайловолди учрашувида ислоҳотларни амалга оширишга халқит бераётган, вилоят иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва нуқсонлар, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш йўллари ҳақида фикрлашиб олган эдик. Шундан бери орадан етти ойдан кўпроқ вақт ўтди.

Бугун шуни таъкидлашим лозимки, вилоят раҳбарларининг айтилган гаплардан керакли хулоса чиқариб олмагани, ўз ишида ўзгариш ясашга кучи, қобилияти, билими, савияси етмагани натижасида деярли барча соҳаларда ўсиш ўрнига орқага кетиш ҳоллари янада кучайгани аччиқ ҳақиқатдир.

Шундай вазиятнинг юзага келиши сабаблари, энг аввало, маҳаллий раҳбарларнинг фаолиятига бориб тақалади.

Чунки вилоят бўйича ишлаб чиқариш соҳаларини изчил ривожлантиришнинг аниқ ҳисоб-китобларга асосланган истиқбол режалари ва стратегик йўналишлари белгилаб олинмаган. Олға интилмасдан, келажакни аниқ тасаввур этмасдан, зарур ҳисоб-китоб қилмасдан туриб бирор натижага эришиш мумкинми?

Минг афсуски, вилоят ҳаётининг бирон-бир соҳасида ташаббускорлик, интилиш ва изланиш сезилмайди, чуқур асосланган ҳаракат дастури мавжуд эмас. Шунинг оқибатида барча соҳаларда иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, пала-партиш олиб борилмоқда. Умуман олганда, вилоятдаги бугунги вазият барчамизни ташвишга соладиган ҳолатга тушиб қолган.

Бу аҳволни қандай қилиб тузатиш мумкин? Келажакда қандай ишлашимиз керак? Раҳбарларнинг ношудлиги, бепарво ва лоқайдлиги туфайли одамлар кўнглида пайдо бўлган ишончсизлик кайфиятини қандай қилиб йўқотиш мумкин?

Бу оғир, ўта мураккаб муаммоларни ечишда ким масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур, ким ўз атрофида соғлом кучларни, эртанги кунга, янгиликка интилган, қўлидан иш келадиган мутахассисларни жалб қилишга қурби етади, деган савол туғилади.

Афсуски, бу саволларга қониқарли жавоб топиш жуда қийин. Вилоят раҳбарларининг, хусусан, вилоят ҳокими Шуҳрат Бегматовнинг фаолиятига баҳо бериб, юқорида зикр этилган муаммоларни ечиш имкониятларига, ишга муносабатига қараб, такрор айтаман, бу саволларга ижобий жавоб топиш жуда оғир.

Кенг жамоатчиликнинг фикрига таяниш, оқсоқоллар, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган одамлар, оддий ишчи-деҳқонлар билан бамаслаҳат иш тутиш, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар қилиш вилоят раҳбари учун иш услубига айланмаган.

Бу камчилик айрим ўрта ва қуйи бўғиндаги раҳбарларга ҳам юққан. Бу раҳбарлар, аччиқ бўлса-да, айтиш керакки, ҳалигача ғафлат уйқусидан уйғонгани йўқ.

Ислоҳотларнинг моҳиятини аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммоларини, эҳтиёжларини чуқур англаб, каттаю кичикнинг ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт ҳурматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан зргаштириши мумкин.

Юқорида тилга олинган нуқсонларнинг энг асосий сабабларидан бири шундаки — вилоятда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйишда кўпол хатоликларга йўл қўйилган.

Ёш, билимли, иқтидорли, ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган кадрларни топиш, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ўта муҳим бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Турли бўғиндаги раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, кадрлар заҳираларини тузиш бўйича аниқ дастур ёки режа деярли йўқ.

Ўтган давр мобайнида шу сабаблар туфайли кўпгина раҳбар ва мутахассислар ўзгартирилганига қарамасдан ишда ижобий натижаларга эришилмаган.

Мана шу айтилганлардан хулоса қилиб, ўзимизга яна бир бор савол берайлик. Вилоятдаги вазият шундайлигича сақланиб қолса, халқнинг турмуши қандай кечади, келажаги нима бўлади? Албатта, бундай аҳвол одамларнинг ҳақли равишда норозилигини уйғотади ва вазиятни издан чиқариши мумкин.

Буни кейинги пайтларда республика идораларига келаётган хатларнинг катта қисмини қашқадарёликларнинг шикоят ва аризалари ташкил этаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Масалан, ўтган 6 ой давомида вилоятдан Президент девонига 2,5 мингга яқин турли мазмундаги ариза ва шикоятлар тушган. Бу — вилоятда қонун талаблари, адолат мезони бузилаётганини, раҳбарлар халқнинг арзини тинглашга, муаммоларини ечишга лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан қараётганини кўрсатмайдими?

Бир сўз билан айтганда, вилоятда халқ ўз дарду ташвиши билан, аксарият раҳбарлар эса ўз шахсий мақсад ва манфаатлари билан яшаб келмоқда.

Вилоятда мавжуд бўлган бугунги вазиятни таҳлил қилар эканмиз, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг негизига назар ташласак, авваламбор вилоятдаги биринчи раҳбарнинг заифлигини, савияси талаб даражасида эмаслигини, ишни ташкил қилишда унга талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик етишмаганини кўришимиз мумкин.

Бир эслайлик, ҳазрат Амир Темур элга етакчилик қиладиган одамларга қандай талаблар қўяр эди? Улуғ бобомизнинг: «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», деган сўзлари барча катта-кичик раҳбарлар учун ибрат бўлиши керак.

Ҳар бир раҳбар соҳибқироннинг «машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан», деган ўгитларини ҳам унутмаслиги лозим.

Лўнда қилиб айтганда, Қашқадарёдаги мавжуд аҳволни ўнглаш, вилоятни ҳозирги оғир вазиятдан олиб чиқишга вилоят ҳокими Шуҳрат Бегматовнинг қурби етмаслигини мана шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши тушунади.

Албатта, ҳар бир раҳбар бирданига пишиб-етилиб қолмайди. Бунинг учун вақт керак, унинг ўсиб бориши учун атрофидагилар ёрдам ва кўмак беришлари зарур. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо эл-юрт томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилиш, Худо берган ақл-заковатини, билими, тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қила олиш аввало одамнинг ўзига боғлиқ. Хаётнинг ўзи бу масалага вақти келганда аниқлик киритиши муқаррар. Бу барчамиз учун тушунарли деб ўйлайман.

Бугунги ҳаёт талаби — вилоятга раҳбарлик қилиш қўлидан келадиган, билимли, қобилиятли, замон талабларига жавоб берадиган, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг уддасидан чиқадиган, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар ясашга қодир раҳбарни топиш заруратини қўймоқда.

Шу ҳақда жуда кўп ўйлаб, бу масаланинг нечоғлик мураккаб эканини чуқур англаб, кўпчилик билан, шу жумладан, вилоятдаги аҳволни яхши биладиган жамоатчилик вакиллари билан маслаҳат қилиб, мен шундай хулосага келдим. Ва бу масала хусусида сизлар билан, вилоят депутатлари, шаҳар ва туманларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари билан бамаслаҳат бир фикрга келмоқчиман.

Қашқадарёнинг салоҳияти, ривожланиши бутун мамлакатимиз тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлигини ҳамда вилоятда вужудга келган оғир аҳволни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Ҳамидов Бахтиёр Султоновични вилоят ҳокими лавозимига тавсия қилмоқчиман.

Б. Ҳамидов кўп йиллардан буён масъул вазифаларда ишлаб, тажриба орттирган, ислоҳотлар негизини биладиган, замонавий фикрлайдиган раҳбар.

Мен вилоят аҳли, барча катта-кичик раҳбарлар вилоятнинг янги ҳокими билан жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ўз олдиларида турган улкан вазифаларни адо этадилар, деб ишонч билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Илгари ҳам кўп марта айтган бир гапимни бугун яна бир бор такрорлайман: бизнинг энг катта бойлигимиз — меҳнаткаш, ҳалол ва фидойи халқимиздир. Қашқадарё воҳасида айнан мана шундай одамлар яшайди. Уларга ишониб, уларга суяниб-таяниб кўп ишларни амалга ошириш, барча мушкул муаммоларни ҳал этиш мумкин. Мен буни мана шу вилоятда ишлаган давримдаги ўз тажрибамдан яхши биламан.

Вилоят олдида турган бугунги муаммоларни ечиш учун эса ҳамма имкониятлар бор.

Агар биз ана шу ерда яшайдиган меҳнаткаш, ғайрат-шижоатли, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, мард ва самимий инсонларнинг йўлини очиб берсак, аввало иқтидорли, замон талабларига жавоб берадиган ёшларимизга таяниб иш тутсак, ишларимизни оқилона ташкил этсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, албатта, ижобий ўзгариш ва ўсиш бўлади, ривожланиш бўлади, Қашқадарё мамлакатимиздаги энг илғор вилоятлардан бирига айланади.

Мен бугунги айтилган очиқ ва аччиқ гаплардан, фикр-мулоҳазалардан барча қашқадарёликлар ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар, ишларида туб ўзгариш ясайдилар, деб қатъий ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сиз орқали бутун Қашқадарё халқини яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ишларингизга ривож тилайман.

ДУШАНБА, 31

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм намойиши: «Ўзбекистон табиати».
9.10 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 Кундузги сеанс. «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.
11.35 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Б. Исроилов.
12.05 «2000 йил - Соғлом авлод йили». «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
12.45 «ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс».
13.00 Ў. Ҳошимов. «Ҳам куласиз, ҳам куясиз». Телеспектакл.
13.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
14.10 «ТВ-метео».
14.15 «Сиз туғилган кун». Мусиқий-дам олиш дастури.
15.00 «Битик».
15.20 ТВ-анонс.
15.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.
16.45 «Иш билганга минг танга».
17.25 «ТВ-метео».
